

Отам бу хикоясини бошлаган вақтда менинг вужудимни кўркув ўраб олар эди-да, ичимдан: «Мени ҳам шундай жинларга йўликтирма», деб тангрига ёлбориб кўяр эдим.

Кеча холам бизнинг уйга меҳмон бўлиб келган эди. Кечаси ошдан кейин отам, ойим, холам учовлари чой ичишиб ўлтирар ва ўтган-кетгандан сўзлашар эдилар. Сўз айланиб келиб яна ўша жинлар, парилар, девлар тўгрисида тўхтади. Отам бўлса ўзи кўрган «жинлар базими»ни сўзлашдан яна тийилолмади. Отамнинг бу хикояси, юкорида сўзлаганимча, менинг учун ортикча вахимали бўлганидан дарров ўрнимга кириб, кўрпамга бурканиб ётиб олдим. Отам менга бир кулиб каради-да, «жинлар базими»дан сўз очди:

— «Янги уйланган вақтларим эди. Тириклик билан овора бўлиб, богнинг поясига ўз вақтида каролмадим. Бир ким пайт топиб бокка бордим, ток жуда ҳам ўсиб кетган, бардидан[1] хатто икки қаричгача ўсиб чиққан эди. Шунинг учун ишқомларни шитоброк тиккайтиришга тўгри келар эди. Бокка бора бошлаганимнинг тўртинчи куни кечаси бир оз ёмғир ёғиб чиқди. Гўё ёмғирни кутиб турган тоқлар яна ҳам ўсиб кетдилар, шўралар барди устига энгашиб, ишқом устига олмаганим учун гўё мандан аразлагандек кўринар эдилар. Мен нима бўлса ҳам поя ишини бугун битирмокчи бўлдим. Эртага токни очмасам, ҳам ўзим учун, ҳам ток учун жабр қилган бўларман, деб ўйладим.

Истакни[2] озрок олган эканман. Охирпешин[3] вақтига истак тамом бўлиб қолди. Истак учун бозорга борай десам бир ишқомгина ямок қолди, ундан кейин бозордан қайтиб чиққунча кеч ҳам бўлади. Нима қилиш керак? Узок ўйлаб турмай, тут, қайрагоч ва тол қаби дарахтлардан истак чилпидим. Чилпиган истакларни йигиштиргунча ҳам бир чой қайнар вақт ўтди. Истакларни белбогимга қистириб ишқомга кирдим. Кош қорайиб, қоронги тушган пайтда аранг поя ишидан қутулдим. Юз-қўлларимни ювиб, салла-чопонимни қийганимда обдон қоронги босган эди. Бог ишлагани келган қўшнилардан ҳеч бириси қолмаган, ҳамма шаҳарга жўнаб кетган, қўчада чигирткаларнинг қириллаши, қурбақаларнинг қуруллашидан бошқа товуш йўқ эди.

Мен богдан чиққанда хуфтон бўлмасам ҳам шунга яқинлашиб қолган эди. Қоронгида туртиниб-суртиниб йўлга тушдим». Отам холамга хитобан деди:

— «Сиз биласиз, бизнинг богнинг тевараги куюк дарахтлик майдонлар билан ўралган. Катта кўчага тезроқ чикиб олиш учун мен шу майдонлардан юрдим. Майдон ниҳоятда коронги ва ваҳимали эди. Лекин мен коронгида бепарво борар эдим, ёлғиз коронгида туртиниб кийналар эдим. Катта кўчага чикиб олмогим учун орада биттагина Хамдам хумдончининг чакалаги колди».

Отам хикоясини шу ерга келтириб такагач, мен кўрпамга яхшироқ бурканиб олдим. Отам сўзида давом этди: — «Бир-икки кадам Хамдам хумдончининг майдонига томон юрдим... Йирокдан келган ёругликни сезиб, теварагимга карадим-да, хайрон бўлиб колдим... Каршимдаги майдондан ўткир нур шарпаси тушар эди. Бугина эмас, кишиларнинг чагир-чугур сўзлашиб кулушлари, гижданг-гижданг билан чилдирма, ора-чора дутор, танбур, гижжак каби созларнинг заиф, аммо юракни китиклайтурган товушлари эшитилар эди.

Мен тонг котиб бир неча вақт туриб колдим. Дархакикат, бойкушлар уяси бўлган бир вайронада бундай воқеанинг юз бериши кишини албатта хайрон килар эди. Холбуки, мен шу кун эрталаб ҳам бу майдондан ўтган эдим. Бу ерда бирор зиёфат бўлатурган бўлса, эрта билан унинг бир асари кўринар эди. Ёш-яланглар кундуз куни ҳаракат килганлар-да, хара-кўчалар[4], деб фикримдан ўтказдим.

Мен базм бўлаётган майдон оркали ўтмокчи бўлиб, девор нахрасидан[5] ошиб тушдим... Ўх-хў-ў-ў, майдон ичи кундузгидек ёруг, дарахт шохларига чироклар осилган, ерларга ипак гиламлар ёзилган. Бир чеккага катта ок самоворлар кўйилган, бир тарафда катта козонлар қурилган, жаз-биз давом этар эди. Майдоннинг ўрта ерида юз чоғлик ёш-қари кишилар қуршалиб ўлтириб, дутор, танбур, чилдирма, ногоралар чалиб базим килар эдилар.

Шу чоқда бир киши олдимга югурди ва базмдагиларга кичкириб:

— Мана, Ўсар ака ҳам келди! — деди.

Базмдагиларнинг ҳаммалари ҳам менга карадилар.

— Келинг, келинг Ўсар ака, поядан кутулдингизми? — дейишдилар.

Ўша онда уларга нима деб жавоб берганимни хозир эслаёлмайман, чунки жуда хам гарангсиган эдим.

Улар мени ўз ихтиёримга кўймай, судраб, тортиб тўрга чикардилар. Одатда мажлисга кириб ўлтиргандан кейин фотиха ўкилар эди. Бирок уларнинг хар турли савол ва муомалалари билан овора боииб, фотиха ўкиш хам ёдимдан чиккан. Бир оз эсимни йигиб олгандан кейин мажлисдагиларни кўздан кечириб чикдим. Кўпларини кайси жойдадир кўргандек бўламан... Аниклаб карасам умримда кўрмаган-танишмаган ёт кишиларга ўхшайдилар. Факат уларнинг мен билан худди танишларча муомала килишлари, отимни атаб чакиришлари, килган ишларимни сўраб, хатто бояги истак чалпиб юрганганимни билишлари — мени жуда хам ажабга колдирган эди.

Орадан кимдир, билмадим, голибо мажлиснинг бошлиги бўлса керак:

— Ўсар акамга дастурхон ёзилсин! — деди.

Тўрда ўтирганлардан яна бириси унга карши чикди:

— Илгари бир базм килиб олайлик, сўнгра дастурхонга хаммамиз баравар караймиз! — деди ва менга юзини ўгириб:— Сиз хам базмни согиниб колгандирсиз. Илгари базм килайлик-а? — деб сўради.

Менинг корним оч бўлса хам, меҳмонлигим важхидан унинг фикрига кўшилишдан бошка чорам йўк эди.

Созандалар созларини тўгрилай бошладилар. Созлардан танбур, дутор, гижжак, рубоб,

чанг, най ва даф кабилар менга таниш бўлсалар ҳам, яна мен кўрмаган ва билмаган бир канча созлар ҳам бор эди. Созлар созландилар, бир хил босик огир машк чалина бошлади.

Машк сихрлик эди... Мен ерга сингиб кетарлик даражада эзилмоқда, асирланмоқда, ичимдан бир тўлқин келиб ўзимни каерга ураримни билмай энтикмакка бошладим. Созандалар ҳамон халиги босик машкни секин-секин авжга чиқариб бордилар... Ахир чидаб туролмадим, пик-пик йиглай бошладим. Нега ва нима учун йиглар эдим, буни ўзим ҳам билмайман. Узок йигладим. Нихоят машк битди. Битди, лекин мени ҳам ўзи билан бирга битирди. Икки тегирмон тоши орасида янчилган кишидек мажрух эдим. Кимир этгали мажолим йўк эди. Кўзимни очдим. Мажлисдагиларнинг барчаси ҳам гўё бир кўздан менинг холимга кулиб қараб турар эдилар. Мен ўз холимдан уялиб ерга бокдим.

Созлар яна иккинчи машкни чалиш учун тайёрланар эдилар. Лекин мен халигидек машкни эшитишдан безор бўлган эдим. Юрагим гуп-гуп уриб колди. Боягидек машкдан яна бирини тингласам эхтимол ажалимдан бурун ўлар, ер билан яксон бўлар эдим.

Иккинчи машк бошланди. Машк бошланиши билан бутун вужудимга хаёт суви югурди. Ўзимда аллакандай бир лаззат хис қилдим. Машк гоятда шодликли эди. Бу ниашкка не деб исм беришни билмайман.

Шу вақт ўртага ўн беш-ўн олти ёшлик бир киз келиб кирди. Унинг сочлари жингила-жингила, юз ва кўзлари дўндук, устида яшил бахмалдан бурма қилиб тикилган чиройли делвагай қийими бор эди. Бир неча кадам чалишиб ўртада юрган эди, оёгидаги кўнгироклари жингираб кетди. Киз машк билан баравар ўйнай бошлади.

Машк давом этар, гўё нафис соз товушининг ели ўйинчи кизни гайри ихтиёрий бир ҳаракатга келтирарди. Дунёга бир шодлик, бир рух ёгади, гўёки ўликлар тирилларлар, ерлар силқинарлар, тоғ-тошлар қуларлар, юлдузлар учарлар, дарахт шохлари титрагандек бўларлар.

Ахир шодликларим юрагимга сигмади. Ўз эрким билан эмас, аллакандай бир қуч ўтирган жойимдан тургузиб юборди. Кизнинг ёнига қириб мен ҳам ўйнаб кетдим».

Ойим билан холам ўзларини тутолмай кулиб юбордилар. Менинг бўлса кўз ўнгимга дадамнинг ўйнагандаги ахволи келиб тўхтагандек бўлди.

Дадам давом этди:

— «Шундай, мен ўйнай бошладим. Нима бўлса ҳам киз билан бирдек ўйнамокка тиришаман. Киз мен билан бир оз ўйнаб тургандан кейин ўртадан чикиб бир четга кетди. Лекин мен ўйинни тўхтатмадим, тўхтатиш хотиримга ҳам келмаган эди. Кишилар карс уриб турадилар ва мени масхаралагандек кийкириб, огиз-бурунларини кийшайтирадилар, лекин мен уларга парво килмай, ўйинни давом эттираман...

Бир вақт алланарсага туртиниб ерга йиқилдим. Ўзимни ўнглаб олиб яна ўйинга ҳаракат килган эдим, тагин муккамча йиқилдим.

Бир канча вақтдан сўнг ўнгланиб ўрнимдан турдим ва кўзимни очиб теварагимга қарадим...

Орада на кишилар, на созлар ва на бошқалар — ҳеч ким, ҳеч гап йўк!.. Коп-коронги майдон, бир арик ичида турибман...

* * *

Мен дадамнинг бу кўрган ходисасини муаллим афандига сўзлаган эдим, кулди:

— Ваҳима, хаёлат! — деди.

— Чиндан ҳам вахимми, вахим бўлса кишида кандай вокиъ бўлади? — деб сўраган эдим, афандим:

— Келаси жума болалар ўртасида бу тўғрида маълумот бераман, сен ҳам шу мажлисда хозир бўлсанг вахимнинг кандай вокиъ бўлишини билиб оласан! — деди.

Мен албатта жума куни мактабга бориб афандимиздан вахимнинг кишида пайдо бўлишини эшитаман. Вақтингиз бўлса жума куни сиз ҳам борингиз.

1. ↑ Барди — камиш ўзагининг тагида ер багирлаб ўсадиган барглари, уни ўриб келиб, токни ёткизиб кўндоклагандан сўнг совук урмасин учун устига ёпилади.

2. ↑ Истак — тол, тут, кайрагочнинг бураб юмшатишган ингичка новдалари, уни ток багазларини боғлашда осон ишлатилади.

3. ↑ Охирпешин — соат 4 лар атрофи, аср намозидан олдинроқ пайт.

4. ↑ Хара-кўча — бекорчи.

5. ↑ Нахра — рахна — деворнинг ўпирилган жойи.